

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ЛАЛМИКОР ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Суёнов Абдусали Саматович**

Техника фанлари доктори профессор.

**Хушмуродов Фаррух Мирзомуродович**

Таянч докторант (PhD)

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

farrux.xushmurodov86@mail.ru

**Аннотация:** Мақолада ер ресурслари тушунчаларининг талқини ва лалмикор ерлар унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ҳамда эрозия жараёнларини тўхтатишга ижобий таъсир кўрсатадиган агроэкологик шароитларни, тоғ олди ва тоғли худудларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг амалий тажрибаларининг назарий жиҳатлари ва натижалари Қашқадарё вилояти мисолида кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** агроландшафт, лалмикор, суғорма, яйлов, агроэкотизим, табиий-худудий мажмуа, биоценоз, эрозия, экотизим, тупроқлар.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳозирги кунда фойдаланиб келинаётган лалми ерларни ҳозирги замон талаблари асосида доимо ривожлантириш, олиб борилаётган ислохотлар негизида ер ресурслари ва уларнинг ҳолати, айниқса тупроқларнинг унумдорлик даражаси билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида амалда фойдаланиб келинаётган лалми тупроқ қопламларидан фойдаланиш самарадорлигини ва унумдорлик даражасини ошириш, сақлаш, қайта тиклаш ҳамда муҳофаза қилиш энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Арид худудда жойлашган Қашқадарё вилоятининг мавжуд ер ресурсларидан суғорма деҳқончилик билан бирга лалмикор деҳқончиликда ҳам фойдаланилади. Лалмикор деҳқончилик суғориш учун ноқулай бўлган худудларда лалми ерлардан фойдаланиш имкони борлиги учун ҳам катта иқтисодий аҳамиятга эга. Зеро, лалмикор ерлар ёки баҳорикор ерлар – зонасидаги суғорилмасдан деҳқончилик қилинадиган ерлар ҳисобланади. Лалмикор деҳқончилик - қишлоқ хўжалигининг суғорма деҳқончилик тармоқларидан фарқ қилган ҳолда, иқлим шароитларининг қуруқ ёки нам келиши ва об–ҳавонинг баҳорги ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Айнан лалми худудларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги об – ҳаво шароитларига (намлик миқдори, ҳарорат ва б.) боғлиқ ҳолда ўзгариб туради, баҳор қуруқ келган йилларда эса лалми ерлардан маҳсулот олиш миқдори кам ёки умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Лалмикор деҳқончиликда ҳаво ҳарорати, ёғин миқдори ва ҳавонинг нисбий намлиги ўсимликнинг

Ўсиш-ривожланиши, ҳосил тузилмасининг шаклланиши, ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади.

А.В. Генусов ва бошқаларнинг (1960) маълумотларига кўра Ўзбекистонда лалмикор деҳқончиликда фойдаланилиши мумкин бўлган ер ресурсларининг майдони 3114,4 минг га ни ташкил этади. Бу ерларнинг 28,5% и нам билан таъминланган, 47,1% и нам билан чала таъминланган ва 24,4% и нам билан таъминланмаган зоналарда жойлашган [1; 31-79 б.].

Л.И.Куракова (1976) куйидаги агроландшафт турларини ажратади: лалмикор, суғорма, яйлов ва ўрмон хўжалиги ландшафтлари. Ҳар бир ландшафт турида содир бўладиган ўзгаришлар аниқ далиллар билан очиб берилган (гидротермик, физик-механик, кимёвий ва бошқа шароитлар) [2; 212 б.].

Мамлакатимизда 734 минг га лалми экин майдонига эга. Бу майдоннинг 99,8 минг га си нам биалн яхши таъминланган, 553,7 минг га чала таъминланган, 89,5 минг га нам етишмайдиган майдонлардир [5;]. Қашқадарё вилоятида лалми ерларнинг салмоғи анча юқори 258,4 минг га.тенг. [4 ;92 б.]. Қашқадарё вилоятида ҳам Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидаги каби ер ресурсларидан лалмикор деҳқончиликда фойдаланиш имкониятлари жуда катта. Қашқадарё ҳавзасининг юқори ва ўрта қисмида рельефи бирмунча қулай тўлқинсимон тоғолди ва тоғ этаклари текисликларида, оқар сувлар кам бўлган майдонларда лалмикор типик бўз тупроқлар тарқалган. Лалмикор деҳқончилик билан банд бўлган ҳудудларда қишлоқ хўжалик экинларидан асосан, буғдой, зиғир, масхад, нўхат кабилар етиштириш, ёгин сувларидан тўпланган намлик ҳисобида бўлади.

Лалмикор ерларда қишлоқ хўжалик экинларини фақат тупроқ қатламларидаги ёгинлар ҳисобига йиғилган намлик эвазига етиштирилишини ҳисобга олиб, йиллик ёгин миқдори ўртача 200 мм дан ошадиган ерлардагина лалмикор экинлар жойлаштирилади. Лалмикор ерлар тупроқ минтақаларининг жойлашишига мос равишда намлик билан таъминланган, кам таъминланган ва таъминланмаган ерларга бўлинади. Қашқадарё вилоятида ҳам лалмикор антропоген агроландшафтларнинг асосий массивлари оч тусли ва асл бўз, қисман тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган адирларда, паст ва ўртача баланд тоғларнинг ёнбағирларида жойлашган. Айниқса Деҳқонобод, Чироқчи, Қамаш, Яккабоғ ва Ғузур туманлари ер тузилмасида лалми ерларнинг улуши анча катта. Иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда Миришкор, Касби, Нишон туманларида лалмикор деҳқончилик юритилмайди. М.Файзуллаевнинг келтиришича (2019), лалмикор ерларнинг катталиги бўйича Чироқчи тумани кескин ажралиб туради, унинг ҳиссасига ушбу тоифадаги раён ерларининг 44,0 фоизи, вилоят лалми ерларининг эса 2/5 қисми тўғри келади [4;132 б.].

Тупроқ-иқлим шароитларига кўра Қашқадарё вилоятида 0,7-0,8 млн. га майдон лалмикор деҳқончилик фойдаланилиши мумкин [5;]. Аммо лалмикор деҳқончилик учун

ҳозирги пайтда яйловлар ва пичанзорлар сифатида фойдаланилаётган тоғлар ва адирлардаги бўз тупроқлар ўзлаштирилиши мумкин. Аммо, адирлар ва тоғли раёнларнинг рельеф шароитлари ер ресурсларидан лалмикор деҳқончиликда фойдаланишни имкониятларини чеклайди.

Лалмикор ерлар вертикал зоналик қонунига асосан ўзгариб боради, ҳамда тупроқ ва иқлим шароитларига кўра, намланиш шароитига қараб қуйидаги (1-жадвал) минтақаларга ажратилади:

1-жадвал.

**Лалмикор ерларнинг намланиш шароитига кўра минтақаланиши**

№	Минтақалар	намланиш шароити	Баландлиги метр ҳисобида	Йиллик ёғин миқдори
1.	Текислик минтақаси	Нам билан таъминланмаган зона	250-450	250-300
2.	Қир-адирлик минтақаси	Чала таъминланган	450-750	250-300
3.	Тоғолди минтақаси	Нам билан таъминланган	750-950	350-400
4.	Тоғ минтақаси	нам билан етарли таъминланган	950-2000	400-750 ва ундан ортиқ

**Манба : Маълумотлар асосида маллиф томонидан тузилди.**

Юқоридаги жадвал маълумотларини таҳлил қилсак, тоғли минтақа намлик билан етарли таъминланган бўлиб, Китоб туманининг шимолий қисми, Яккабоғ туманининг шимоли-шарқий қисми. Деҳқонобод туманини тоғолди қисми киради. Бу ерларда ёғиннинг катта қисми (60%) май,ийин,июлга тўғри келиб, баъзида жала тарзида ёғган ёмғир натижасида сел юза келиши натижасида ерларни эрозияга учрашни кузатилади. Тоғолди минтақасида йиллик ёғин миқдори 350-400 мм ни ташкил этади. Бу минтақада 50-60% майдон эрозияга учраган. Тоғ олди минтақа намлик билан таъминланган бўлиб, Китоб туманининг жануби-ғарбий қисми, Чироқчи туманининг марказий ва шарқий қисмлари, Деҳқонобод туманини тоғолди қисми, Қамашини шарқий ва жанубий қисмлари киради. Китоб-Шаҳрисабз ботиғи ҳудудида тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган майдонлар лалмикор хўжалик ва боғдорчилик учун муҳим ўрин тутди. Китоб-Шаҳрисабз ботиғи ҳудудидаги тўқ тусли бўз тупроқлар мавжуд хўжаликларда суғориладиган деҳқончилик рельеф шароити ноқулай бўлганлиги туфайли кенг ривожланмаган. Бу ҳудудлар қишлоқи хўжалиги экинларининг бошқа турлари- лалмикор (дончилик, қисман полиз экинлари), боғдорчилик билан банд. Текисликда тарқалган тўқ тусли тупроқлар картошка, сабзи каби экинлар билан, қисман беда билан банд [3; 99 -103].

Тоғли ва тоғ олди минтақалари ёғин-сочиннинг кўп тушиши, ҳароратнинг нисбатан пастлиги, нисбий намликнинг қулайлиги билан бошқа минтақалардан ажралиб туради. Ушбу ўзига хос табиий хусусиятлари сабабли қурғоқчилик ва гармсел хавфи кам

бўлади, ўсимликнинг нам билан таъминланиши яхши кечади. Тоғли ҳудудларда гидротермик шароитнинг қулайлиги сабабли бошқа минтақаларга нисбатан ҳосил мўл бўлади.

Қир-адирлик минтақаси намлик билан чала таъминланган бўлиб, 450-750 м баландликда, йиллик ёгин миқдори 250-300 мм, Ғузорнинг шимолий ва ғарбий қисмлари Чироқчи ва Яккабоғ туманларининг ғарбий қисмлари киради.

Текислик минтақаси намлик билан таъминланмаган бўлиб, 250-450 м баландликда, йиллик ёгин миқдори 250-300 мм, Ғузорнинг ғарбий қисмлари киради. Бу минтақада қурғоқчилик ва гармсел хавфи юқори бўлганлиги учун арид шароитга чидамли арпа экини етиштириш имкони катта.

Лалмикор деҳқончилик агроландшафтларининг унумдорлиги иқлим шароитлари ва об-ҳавонинг баҳорги ҳолати билан бевосита боғлиқ. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги об-ҳаво шароитларига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Лалмикор деҳқончиликда йиллик ёгингарчилик миқдори 350-400 мм бўлганда, тоғли ва тоғолди минтақаларида кунжут экинидан 10-15 с/га ҳосил олиш мумкин. Баъзида ерда намнинг танқислиги, тупроқда ва устки қисмида ҳароратнинг жуда кўтарилиб кетиши, ҳаво нисбий намлигининг камайиб кетиши экинларни ҳосилининг камайишига, баъзан қуриб қолишига олиб келади.

Иқлим шароитлари тупроқларнинг вужудга келиши ва ҳудудий табақалашувидаги муҳим омиллардан ҳисобланиб, лалмикор ерларда тупроқларнинг генетик типларининг вужудга келишида ва ҳудудий тарқалишида иқлим унсурларидан радиация, иссиқлик ва намланиш шароитлари айниқса катта аҳамиятга эга. Вилоятнинг жанубий географик ўрни туфайли бу ҳудудда йил давомида Қуёшдан катта миқдорда радиация келади. Лалмикор ҳудудларда илиқ давр 26 февралдан бошланиб, 16 декабргача (277-304 кун) давом этади. ўртача баланд тоғларда 40000 дан 28000 гача пасайиб боради. Бу кўрсаткичларга кўра, вилоятнинг лалмикор ерлари иссиқ ва жуда иссиқ зоналарга мансуб бўлиб, бу ҳудудларда йиллик ёгин миқдори 300 мм дан 650 мм гача ошиб боради.

Вилоятнинг лалмикор ерларида асосан ғалла экинлари етиштирилади. Кейинги йилларда мойли қишлоқ хўжалик экинлари ҳам анча катта майдонларда етиштирила бошланди (кунжут). Чироқчи, Қамаш ва бошқа туманларнинг лалмикор ерларидан йил давомида икки марта ҳосил олиш имкониятлари мавжудлигини тажрибалар яққол кўрсатмоқда. Ғалла экинлари йиғиштирилиб ерларга яхши ишлов берилгач полиз экинларини (тарвуз) экиш ва юқори ҳосил олиш мумкин. Шунингдек, лалмикор ерларда чорвачилик озуқа базасини яхшилаш учун катта табиий имкониятлар мавжуд. Лалмикор деҳқончиликнинг таъминланган зонасида озуқа экинларидан анча юқори ҳосил олиш мумкин. Масалан, йўнғичқанинг ҳосилдорлиги лалми ерларда

суғориладиган ерлардагига нисбатан 2 – 2,5 марта камроқ бўлсада (40 – 50 тс/га) иктисодий жиҳатдан анча арзонроқдир.

Лалмикор деҳқончилик ерларининг тоғ олди ва тоғли раёнлар билан боғлиқлиги ер ресурсларидан фойдаланишни анча қийинлаштиради (ёнбағирлар нишаблиги, қишлоқ хўжалик техника воситаларининг ҳаракатланишининг қийнлиги ва б.). Шунингдек, лалмикор деҳқончилик ерларидаги барча тупроқ типларининг эрозия жараёнларига мойиллиги ер ресурсларини асраб – авайлаш ва эрозияга қарши тадбирларни амалга оширишда ҳайдаладиган ерлар мезо – ва микрорельефининг нишаблигига айниқса катта эътибор бериш лозим. Тоғ ёнбағларида ерларни ҳайдаш эрозияга қарши тадбирларни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак. Эрозия ҳавфини баҳолай билмаслик ноҳуш оқибатларга олиб келади. Тоғли ерларда дарахт ва буталарни кесиш, ўт қопламини пайхон қилиш ерларни катта майдонларда ювилишига олиб келади. Тупроқдан азот, фосфор ва калийнинг ювилиши натижасида тупроқ унумдорлиги 50 – 60% гача камайиши мумкин. Лалми ерларда тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш учун беда ва кузги бугдойни алмашлаб экиш муҳим.

Лалми ерларда эрозия жараёнларини олдини олиш ёки сусайтиришда ихотазорларнинг аҳамияти жуда катта. Ихотазорлар буғланишининг камайиши туфайли юзанинг яхши намланишига, қиш пайтида қорларни сақланиб туршига имконият яратади. Ёзда эса ихотазорли участкалар ёмғирларни тупроққа сингишини енгиллаштиради. Лалми ерларнинг унумдорлигини оширишда ёнбағирларни террасалаш, қишлоқ хўжалик экинларини танлаш эрозияга қарши муҳим воситалардир. Тажрибаларга кўра тамаки, маккажўхори, полиз–сабзавот, эфир мойли, доривор экинлар эрозия жараёнларини сусайтирмайди ва аксинча, бирмунча тезлаштиради. Ғалла ва бошоқли экинлар эса тупроқ эрозиясини анча сусайтиради, кўп йиллик ўтлар эса эрозия жараёнларига деярли барҳам беради. Тупроқда табиий намликни сақлаш ва уни тўплаш, ўғитлаш, бегона ўтларга қарши курашиш, тупроқ эрозиясини олдини олиш каби тадбирлар қўлланилса лалми ерлардан фойдаланиш самараси ошади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Генусов А.З., Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Почвенно-климатическое районирования Узбекистана в сельскохозяйственных целях. –Ташкент, 1960. –С.31-79.
2. Куракова Л.И. Антропогенные ландшафты. -М.: МГУ,1976. -212 с.
3. Турсунов Л., Бобоноров Р., Юсупов С. Қашқадарё хавзаси худуди тупроқлари. Қарши-2006. Б. 166.
4. Файзуллаев М. А. Жанубий Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги географияси//Монография. Қарши-2019. Б. 246.
5. <https://uz.m.wiki.org>.